*Мусиқа асбоблари*

РИФАТИЛЛА ҚОСИМОВ

# УД



Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

Тошкент - 2002

**РИФАТИЛЛА ҚОСИМОВ**

# УД

**Мусиқа ва санъат коллежлари ҳамда лицейлари учун дарслик**

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази Ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти нашрга тавсия этган*

YUNUS RAJABIY NOMIDAGI O'ZBEK MILLIY MUSIQA SAN'ATI INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
Inv. № 938

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент – 2002

815. 315.3 я 722
Қ61

Тақризчилар:

М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси «Шарқ мусиқаси» факультети анъанавий ижрочилик кафедрасининг доценти Салоҳиддин АЗИЗБОЕВ

Ҳ.Ҳ.Ниёзий номидаги Тошкент давлат мусиқа билим юрти анъанавий ижрочилик бўлими ўқитувчиси Абдураҳим МУҲАМЕДОВ

Тошкент маданият коллежининг олий тоифадаги мусиқа ўқитувчиси Кенжа ЮСУПЖОНОВ

**Рифатилла Қосимов**

**У Д**

Мусиқа ва санъат коллежлари ҳамда лицейлари учун дарслик

Муҳаррир *О.Раҳимов,* мусаввир *Ш.Одилов,* бадиий муҳаррир *А.Бобров,*
техник муҳаррир *Т.Смирнова,* кичик муҳаррир *Н.Фозилова,*
мусаҳҳиҳ *Л.Мирзааҳмедова,* компьютерда тайёрловчи *Б.Ашуров*

ИБ № 4059

Босишга 28.11.2001 й. да рухсат этилди. Бичими 60 x 90 $^1/_8$. Таймс гарнитура. Офсет босма. 6,0 шартли босма тобоқ. 7,5 нашр босма тобоғи. Жами 3000 нусха. К − 1541 рақамли буюртма. 136-2001 рақамли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Ижарадаги Тошкент матбаа комбинати. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Қосимов Рифатилла
Уд: Мусиқа ва санъат коллежлари ҳамда лицейлари учун дарслик. -Т. : Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 2002 − 48 б.
Сарлавҳада: ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази Ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти.

Ушбу дарслик мусиқа ва санъат коллежлари ҳамда лицейларининг анъанавий ижрочилик бўлимларида уд мутахассислиги синфи бўйича сабоқ олаётган ўқувчилар учун мўлжалланган. Шу билан бирга, ундан бошланғич мусиқа таълими билан боғлиқ олий ўқув юртлари ва мусиқа мактаблари ҳам фойдаланишлари мумкин.

ББК 815.315. 3 я 722

Қ $\frac{4306011800-95}{M352(04)-2002}$ қатъий буюртма, 2001

ISBN 5−635−02083−0

© Рифатилла Қосимов, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2002

# СЎЗБОШИ

Ўзбек халқи мусиқа санъатининг тарихи жуда бой ва қадимийдир. Археологларнинг кашфиётлари ва тарихий манбаларнинг далолат беришича, қадимий Хоразм, Бақтрия ва Суғд элларида эрамиздан бир неча аср олдин, ниҳоятда бой ва ранг-баранг мусиқа санъати мавжуд бўлган. Айритом, Тупроққалъа, Афросиёб каби кўҳна шаҳарлардан топилган тасвирий санъат обидалари, мусиқа ҳаётининг турли томонларига кенг жорий қилинганлигидан ва муҳим ижтимоий аҳамият касб этганлигидан дарак беради. Моҳир ижрочиларнинг қўлларидаги чанг (арфа), удсимон, найсимон чолғулари эса узоқ тараққиёт йўлини босиб ўтган мукаммал созлардир[1].

Қадимдан ҳозирги давримизгача ана шу асбоблар заминида танбур, ғижжак, най, қонун, дутор, рубоб каби турли хилдаги чолғу асбоблари яратилди ва ривож топди. Ана шулардан бири бўлган уд чолғуси XVII асргача бизнинг халқимиз орасида мукаммаллиги, инсонга маънавий, руҳий озиқ инъом этиши билан хизмат қилган.

Ҳозирги давримизда уд чолғуси ҳақида сўз борганда кўпчилик мусиқа мухлислари дарҳол араб, турк, озарбайжон, арман халқларининг миллий куй оҳангларини ёдга оладилар. Лекин, Ўрта Осиё уд чолғусининг ҳақиқий ватани бўлганлигини, бизнинг халқларимизни қадимдан севимли чолғуси сифатида довруғ таратганини кўпчилик билади.

Ушбу дарслик уд чолғуси ҳақида озгина бўлса-да тушунча бериб, уни ёш созандаларимиз ўрганишларида қулайлик яратади, деб умид қиламиз. Дарсликда танланган ўзбек халқ куйларини тавсия этишдан мақсад уд ижрочилигидаги анъанавий йўлни яна қайтадан тиклашдир. Дарсликка киритилган куйларга эътибор берсак, дастлаб оддийдан мураккаб ижрога бориб етади. Шунинг учун куйларнинг бошланиши оддий безаксиз берилди.

Маълумки, ўзбек халқининг анъанавий мусиқаси турли хилдаги безаклар, яъни нола, қочирим, сайқал ва хилма-хил зарбларга бой. Ана шуларни айримларидан уд учун мосланган куйларимизда фойдаландик. Бу ўринда профессор С.М.Тахаловнинг чертиб чалинадиган торли асбобларга мўлжаллаб методик қўлланма сифатида ёзган «Афғон рубобини чалишга ўргатиш методикаси асослари» (Тошкент, 1983 й.) китоби фойда берди. Чунки, бу уд чолғусини амалий ўзлаштирганимизда синалган ҳолда, қашқар ва афғон рубоби мутахассислиги бўйича таҳсил оладиган ёш созандаларга қулайлик яратади, деган умиддамиз.

---

[1] **О.Р.М** а т ё қ у б о в. «Оғзаки анъанадаги профессионал музикага кириш». Т., 1983 й. 5-бет.

# УД ЧОЛҒУСИ ҲАҚИДА

Уд жуда қадимий мусиқа асбобидир. Унинг бизга маълум бўлган дастлабки шакли Айритомдан топилган. Эрамизнинг биринчи асрларига оид ажойиб маданият ёдгорлигида ўз аксини топган[1].

Уд арабча сўз бўлиб, унинг луғавий маъноси турличадир. У биринчидан, ёғочи қора тусли дарахтнинг номидир. Уд дастлаб шу дарахтдан ясалган бўлиши керак. Иккинчидан, уд ибораси байрам, тўй-томоша, хурсандчиликни ифодалайдиган «ийд» иборасининг маълум шаклидир. Бу ўринда хушчақчақлик кайфиятни бағишловчи соз маъносида ҳам келиши мумкин.

Уднинг дастлабки номи «Барбад» бўлганлигини баъзи манбаларда кўрсатиб ўтилади. Барбад икки сўздан иборат бўлиб, Бар – қомат, бад – ўрдак маъноларида келади. Барбад қорни катта ва дастаси калта мусиқа асбобидир[2]. Унга ўрдак қоматига ўхшагани учун барбад номи берилган эмиш. Барбад энг қадимий торли асбобдир. Унинг яратилиши ҳақида бизгача турли афсоналар етиб келган. Бир афсонада ҳикоя қилинишича, барбадни юнон олими Фисоғурс ҳаким (Пифагор, эрамиздан олдинги VI аср) ихтиро қилган[3]. Афсонада айтилишича: бир куни Фисоғурсни тушида бир номаълум мўйсафид унинг бошига келиб шундай деди: «Сен эртага барвақт туриб, наддоф (пахта титувчилар) бозорига боргил. У ерда сенга ҳикмат сирларидан бири намоён бўлади». Фисоғурс эрталаб наддофлар растасига борибди ва у ердан ҳеч нарса тушуна олмай қайтиб келибди. Мўйсафид шу куни тушида яна келиб, кечаги айтган гапини такрорлабди. Шундан сўнг Фисоғурс эрталаб уйғониб иккинчи марта бозорга борганда, пахта титувчилар ёйининг ипидан чиқаётган товуш унинг диққатини жалб этибди. Фисоғурснинг онгида бир фикр пайдо бўлибди, шунда у ерда ётган от думининг толасини олиб, бир учини тиши билан тишлаб, иккинчи учини қўли билан тортиб туриб чертган экан, майин ва ёқимли бир овоз эшитилибди. Энди шу ипни тақиб чаладиган торли асбоб яратиш устида мулоҳаза юрита бошлабди. Маълум вақт ўтгандан сўнг, кунларнинг бирида Фисоғурс ҳаким тоғ томон йўл олибди. Тоғнинг этагида кучли шамол эсиб, қандайдир бир сеҳрли товуш, яъни ҳуштаксимон бир садо эшитилибди. Шунда у атрофга назар солиб яқин орада турган ичи ковак, бўшаб қолган тошбақа косасига кўзи тушибди. Унинг бош, қўл, оёғ ва думи чиқиб турадиган тешиклардан ўтаётган шамол ана шундай сеҳрли товуш ҳосил қилаётган экан. «Бир нарсага яраб қолар», деб уни ердан олибди. Кейинчалик тошбақа косасидаги энг катта тешикка – боши чиқиб турадиган ерга даста ўрнатибди. Унга ипни тақиб, чала бошлабди. Бу асбоб дастлаб жуда содда ва оддий шаклда тузилибди.

Фисоғурсдан сўнгги даврларда яшаган мусиқачилар барбадни takомиллаштирдилар ва унинг асосида икки, уч, тўрт торли мусиқа асбоби ясадилар. Барбад эса кўп манбаларда ҳамма торли асбобларнинг юзага келишида асос бўлган, деб кўрсатилади. Унинг энг такомиллашган кейинги шакли гўё уд эмиш.

«Уд қарийб XVII асрларгача яшаган, деб тахмин қилиш мумкин. Кейинчалик эса Ўрта Осиёда истеъмолдан чиқиб кетган ҳамда уднинг хусусиятлари ва функциясини бажара оладиган бошқа қадимий мусиқа асбоблари унинг ўрнини ола бошлади»[4].

Ўрта Осиё халқларининг, жумладан, ўзбек, тожикларнинг чолғу асбоблари ранг-барангдир. Албатта, бу халқларнинг маданияти қадимдан бой бўлганлиги, тинмай ривожланганлигидан далолат беради.

Ўрта Осиёдан етишиб чиққан буюк алломалар ал Форобий (X), Абу Али ибн Сино (X–XI асрлар), Қутбиддин Шерозий, Сафиуддин Урмавий (XIII–XIV), Абдулқодир Мароғий (XV аср), Абдураҳмон Жомий (XV аср), Дарвиш Али Чангий сингари мутафаккир олимлар ижодларининг бир қанча мавзуларини мусиқа фанига бағишлаганлар.

Бизнинг давримизга келиб ҳозирда уд чолғуси кавказ халқларида, арабларда, эрон, турк ва бошқа ерларда истеъмолдан чиқмаган ҳолда қўлланилиб келинмоқда. Яқин йиллар давомида ўзбек ва тожик халқлари орасида ҳам созандаларда қизиқиш уйғонди, қолаверса, республикамиз мусиқа санъатининг жонкуярлари ташаббуси билан уд чолғусини мукаммалроқ ўрганиб яна халқи-

---

[1] М.Е.М а с с о н. «Находки фрагмента скульптурного карниза Первых веков нашей эры» Т., 1933 г. (Михаил Евгеньевич Массон.)

[2] И.Р а ж а б о в «Мақомлар масаласига доир» Т., 1963 й.

[3] Бу ҳақда қаранг: Муҳаммад ал Омулий (XIV аср), «Нафоису ул-фунун,» энциклопедиясининг мусиқага бағишланган қисми.

[4] (Ш.И. инв № 275) Кавкабий (XVI аср) ва Дарвиш Алининг (XVII аср) «Рисолаи мусиқий» асари қўлёзмалари (Ш.И. инв № 468) IV, 449), И.Ражабов «Мақомлар масаласига доир». Т., 1963, 18-бет.

мизнинг қадимий мусиқа асбоблари қаторига қўшишдек хайрли ишлар олиб борилмоқда. Юқорида айтиб ўтганимиздек, буюк олимлар, мумтоз адабиётимизнинг улкан шоирлари мусиқа санъатини чуқур таҳлил қилган ҳолда, инсон саломатлиги-ю руҳига, тарбиясига ижобий таъсир кўрсатиши, қолаверса, инсон ҳаёти гўзаллигини ажралмас бўлаги ва рамзи, деб уқтирганлар.

Бу ўринда Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб», яъни «қалблар севгилиси» асарида қуйидаги сатрлар бор.

Майхонада кимки майдин ибо қилғай,
Найдин бир дилкаш наво била ани расво қилғай.

Агар киши май ҳавосин бошидин чиқарур,
Ғижжак ноласи била анга ёлворур.

Ва танбур пардадаги фитнадин ҳалок этар,
Ва офият пардасин чок этар.

Ва чанг зорлиғ била бўғзин тортар,
Ва уд лисони нағмасининг тарғиби чангдин ҳам ортар.

Андаким рубоб бошин ерга қўйиб ниёз кўргузғай,
Ва қўбуз қулоқ тутиб айшга тарғиб оҳангин тузғай.

Чун қонун ва чағона ноласи қулоққа тушғай,
Ва махваши соқий юкуни май аёққа тушғай.

Кўриниб турибдики, бу сатрларда кўпгина чолғу асбобларига юксак баҳо берилган. Қадимий удлар, аввало икки торли бўлиб, улар «зир» ва «бам», деб номланган[1].

Бам — пастдаги, зир — юқоридаги ингичка тор. Кейинчалик уч-тўрт торли бўлган. X асрга келиб ал Форобий унга бешинчи торни ўрнатган[2].

Ана шундан буён уд чолғусининг асосий торлари бешта жуфт тордан иборат. Олтинчи тори (битта тордан иборат) эса айрим куйлар ижро этилганда қўшиб чалинади. Яъни, билак зарбда (қаранг: С.М.Тахалов. «Афғон рубобини чалишга ўргатиш методикаси асослари». Тошкент. «Ўқитувчи». 1983 йил, 50-бет) кўпроқ қўлланилади.

Қадимда уднинг торлари ипакдан ишланганлиги айрим мусиқа рисолаларидан бизга маълум. Олтинчи тор эса тахминан яқин йиллардан бери ишлатила бошланди. У асбобнинг тембри, яъни товушини янада бойитди[3].

## УДНИНГ ТУЗИЛИШИ, ҚИСМЛАРИНИНГ НОМИ ВА ВАЗИФАСИ

Уд асбоби коса, даста, бош қисмдан ташкил топган. (1-расмга қаранг.)

**КОСАСИ** — бир-бирига ёпиштирилган бир неча (10—12) қовурғасимон тахтачадан иборат. Устига ёғочдан тайёрланган қопқоқ зич қилиб бириктирилади. Қопқоқда учта резонатор — овоз тебраниб чиқадиган тешик бўлиб, устига торлар таянадиган харракни зич қилиб туташтирилади.

**ДАСТА** — косага маҳкам бириктирилиб, парда боғланмайди. У ғижжак дастасига ўхшаб соф, текис бўлади.

Уднинг бош қисми торларни маҳкамлаш ва тортиш учун мўлжалланган бўлиб, унга 11 та ёғоч (бештаси ўнг ва олтитаси чап томонда) ўрнатилган.

Уднинг бош қисми билан даста туташган ерда шайтон харрак жойлашган. У очиқ торларни таянчи ҳисобланади. Уднинг ишчи қисми ана шу ердан бошланади.

---

[1] О.Р.Матёқубов «Оғзаки анъанадаги профессионал музикага кириш». Т., 1983.

[2] Зир ва бам ибораларини ўзбек созандалари ҳам ҳалигача ишлатадилар. Дутор, танбур ва бошқа чолғу асбобларини созлашда ижрочилар зулу-бом (зиру-бам), яъни баланд-паст ибораларини қўллайдилар.

[3] Ушбу қўлланмада биз Тошкент давлат консерваториясига қарашли мусиқа асбоблари лабораториясида, Истамбул намунасида ишланган уд чолғусини мисол қилиб олдик. У 1968 йил август ойида асбобсоз уста Н.Е.Рюхин томонидан ишланган.

## УД СОЗИНИНГ ТУЗИЛИШИ




1-расм

# УДНИНГ СОЗЛАНИШИ

Санъатшунос олимларимиз, мусиқамиз назариётчиларининг илмий рисолаларига қараганда уд созининг биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи жуфт торлари оралиғининг созланиши соф квартадир. Фақат энг пастки торлари, яъни тўртинчи билан бешинчи ва бешинчи билан олтинчи торларнинг оралиғи катта секунда интервалида созланган.

Мисол учун бас ёки фа калитида уд созини кўриб чиқамиз:



Уд диапозони 𝄢 калитида



Уднинг умумий ижрочиликдаги имконияти кенг бўлишига қарамасдан, бизнинг анъанавий ижрочиликдаги услубимизга ҳар бир пардасидан куй жумласини бошлайвериш тўғри келавермаслиги амалий ўзлаштиришимизда ўз ифодасини топди.

Ана шу имкониятларни ва кўпгина мақом куйларимизнинг диапозон жиҳатидан кенглигини инобатга олган ҳолда, уд созига бироз ўзгартириш киритдик.

Уд торларининг юқоридан биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи жуфт торлар оралиғидаги созини сақлаган ҳолда, тўртинчи билан бешинчи тор оралиғини соф квартага, бешинчи билан олтинчи тор оралиғини эса катта секундага мослаб созладик.

Мисол – торлар сози 𝄢 калитида



Дарсликка киритилган куйлар ҳам ана шу ўзгартирилган созга мўлжалланган. Ижро давомида қулайлик туғдириши учун куйларимизнинг кўпчилигини очиқ торлардан ва аппликатура (чап қўл бармоқларининг торлар узра пардаларга босилиши ҳолати) маъқуллигига қараб ёзишга ҳаракат қилдик.

Биз ижрочиликда қўллаётган уд чолғусининг юқоридан биринчи, иккинчи, учинчи торлари ҳозирда сунъий ичакдан ёки бўлмаса капрондан тақилади. Тўртинчи, бешинчи, олтинчи торлари эса пишитилган ипак устидан мис сим ўралган ҳолда тайёрланади.

Сунъий ичак торларининг қўлланилиши яқин йиллар давомида бошланган. Чунки, ипак тор тез титилиб кетиши ва садосининг пастлиги жиҳатидан истеъмолдан бирмунча йироқлашган. Сунъий ичак тақилгандан сўнг эса асбобнинг товуши баландлашди, бармоқларнинг торлар устидаги ҳаракатига яхши имконият туғилди.

Ўзбек халқ чолғу асбобларининг айримлари нота ёзувида ёзилгандан бир октава паст эшитилади. Булар қаторига қашқар рубоб, афғон рубоб, танбур, дутор билан бирга уд сози ҳам киради.

Куйларни нотага олишда ва тўплашда соль калити (ёки скрипка калити) ни қўлладик. Бу эса, албатта, ёш мутахассис созандаларга бироз бўлса-да қулайлик яратади.

Мисол учун нота ёзувини келтирамиз:




## УД ПАРДАЛАРИНИ ҚУЛАЙ ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН УШБУ СХЕМАНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ




2-расм

# УДНИ ТЎҒРИ УШЛАШ ВА ИЖРО ЭТИШ УСУЛЛАРИ



Уд чалишни ўзлаштиришдан аввал, албатта, уни тўғри ушлаш ҳолатини ўрганиш зарур. Агар ҳолат нотўғри бўлса, унда анчагина тузатиб бўлмайдиган хатоларга йўл қўйилиши мумкин. Масалан, қўлни толиқиши, бармоқларнинг эркин ҳаракат қилмаслиги тез ижро этиладиган куйларда дарҳол сезилади.

Удни ижрочи стулга ўтирган ҳолатда чалади. Стулнинг суянчиғига суянмасдан, унинг ярмига ўтириш тавсия этилади. Чап оёқ бутун кафти билан ерга тегиб туради. Ўнг оёқ кафти тагига тахминан 10−12 см лар чамаси баландликда махсус мослама (тахтадан) ишлатилади. Шунда ўнг оёқ тиззаси чап оёққа нисбатан баландроқ бўлади ва бу ҳолат уд косаси сирғалмаслигини таъминлайди.

Нохун эбонит ёки пластмассадан тайёрланади.

Анъанавий ижрочиликда қушларнинг патидан фойдаланилган. Эбонит нохун анча пишиқ ва ишлатишга қулай ҳисобланади. Нохуннинг ингичка қисми (учи) юпқа бўлиши лозим.

Нохун ўнг қўлнинг бош ва кўрсаткич бармоғи билан сезиларли даражада бўшроқ ушланади.

Уд чалишда бармоқларнинг тўғри жойланиши ва ҳаракати мусиқа асарларини ижро этишда асосий заминдир. Чап қўл бармоқларининг уд пардаларига босилиш ҳолати позиция дейилади. Уд чалишда учта позиция мавжуд бўлиб, уларнинг жойланиши қуйидагичадир:




Ўзбек анъанавий мусиқаси ижросида, айниқса, чертма торли чолғуларида хилма-хил зарблар: якказарб, қўшзарб, зарби паррон (учма зарб), билак зарб, тескари зарб, уфар зарб, рез, калта рез ҳамда ҳамма мусиқавий чолғу асбоблари ва ашула ижросига характерли орнамент безаклар қочирим, тўлқинлатиш, нолиш, молиш, кашишлар мавжуд.

Келтирилган зарблар ва безакларнинг ижро услублари профессор С.М.Тахалов «Афғон рубобини чалишга ўргатиш методикаси асослари» (Тошкент, 1983 й.) китобида тўла берилганлиги сабабли, дарсликдан фойдаланадиган созандаларга шу услубий китобга мурожаат этишни тавсия қиламиз. Биз нота ёзувларида фақатгина зарблар ва орнаментал безакларнинг белгиларини бериш билан чекланамиз.

Берилган белгилар тавсия этилган китобдан олинди.

## ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР:

П – нохун билан торларни пастга уриш белгиси;
V – нохун билан торларни юқорига уриш белгиси;
\+ – зарбсиз, торларни чап қўл бармоқлари билан ижро этиш белгиси;

 – форшлаглар ижроси белгиси;

 – бидратма (трел) ижроси белгиси;

 – тўлқинлатиш белгиси;

 – нолиш белгиси;

 – молиш белгиси;

 – кашиш белгиси.

Куйларнинг кўпчилиги биздан олдин билимдон устозларимиз томонидан ёзиб олинганини айтиб ўтмоғимиз лозим. Уларни мақомларимиз билимдони академик Юнус Ражабий, жонкуяр, ташаббускор олим, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Ф.М.Кароматов, С.М.Тахаловлар нота ёзувига олганлар.

Мана, қарийб чорак аср давомида уд чолғуси Тошкент давлат консерваторияси анъанавий ижрочилик кафедраси муаллимлари томонидан ёш талабаларга ўргатиб келинмоқда. Ҳозирги кунда уд республикамизнинг нуфузли санъат даргоҳларида, мақом ансамблларида, олий ва ўрта махсус мусиқа билим юртларида, радио ва телевидение дастурларида кенг тарғиб қилинмоқда.



Одил Орзиев, Баёт Ҳамроқулов, Абдунаби Зиёев, Умарали Бултуров, Рустам Каримов, Зулхорбек Туробов, Қобил Халилов, Хусниддин Атоев ва бошқа кўплаб созандалар мазкур чолғуда якка ҳамда ансамбль жўрлигида халқ куйлари, мақом чолғу-ашула йўллари, бастакорлар ижодларига мансуб мусиқий асарларни меъёрига етказиб ижро этмоқдалар.



## ПОЕЗИНГНИ ЮРГИЗГАН

М.М. ♩ = 132-138



## ПАРАНЖИ

М.М. ♩. = 88



## ТЎЙ МУБОРАК

М.М. ♩ = 138





## НИГОРИМ КЕЛУР





## ЁР-ЁР

М.М. ♩ = 80



## ҚИЛПИЛЛАМА

М.М. ♩ = 88-92





## РОК ҚАШҚАРЧАСИ I

М.М. ♩ = 96-100





## РОК ҚАШҚАРЧАСИ II

M.M. ♩ = 72





## РОК УФОРИСИ

M.M. ♩ = 76





Inv. № 938
Инв.




## ИЛҒОР

M.M. 𝅗𝅥 = 123-132









## ҚЎШЧИНОР






## КУРД








## НОРИМ-НОРИМ

M.M. ♩ = 116








## ҚАРИ НАВО

M.M. ♩ = 120-126





## ТАСНИФИ БУЗРУК




3-хона
Бозгўй
4-хона
Бозгўй
5-хона
Бозгўй
6-хона


Бозгўй
7-хона
Бозгўй
8-хона




## ГАРДУНИ БУЗРУК






## ГАРДУНИ ДУГОҲ

М.М. ♩ = 84




2-хона
3-хона
Бозгўй
attacca

# МУХАММАСИ ҲУСАЙНИЙ




Бозгўй
3-хона




## МУХАММАСИ МАВЛОН




2-хона
Бозгўй


3-хона

Бозгўй



## ПЕШРАВИ ДУГОҲ

М.М. ♩ = 72

1-хона




2-хона
Бозгўй
3-хона
Бозгўй
4-хона
Бозгўй


5-хона
Бозгўй
6-хона
Бозгўй
7-хона
Бозгўй


8-хона
Бозгўй
9-хона
Бозгўй
10-хона
Бозгўй

# САМОИ ДУГОҲ

М.М. ♩= 72




Бозгўй
4-хона
5-хона
6-хона
Бозгўй


7-хона
8-хона
9-хона
10-хона



## МЕН ВА ОҚҚУШ

### I

Ўртача тез






## II (I қисм асосида Р.Қосимов басталаган)




mf
p

# ДАРСЛИКДАГИ АСАРЛАРГА ИЗОҲЛАР

| | |
|---|---|
| 1. Поезингни юргизган | – Чор амалдорлари зулмига қарши халқ орасида тарқалган ашулалардан бўлиб, Ўздавнашр томонидан 1937 йилда нашр қилинган «Ўзбек халқ ашулалари»да ва 1939 йилда нашр қилинган «Ўзбек халқ қўшиқлари»нинг биринчи қисмида босилган. Дарсликда берилгани Ю.Ражабийнинг «Ўзбек халқ мусиқаси» китоби иккинчи жилдидан олиниб, удга Р. Қосимов томонидан мослаштирилди. |
| 2. Паранжи | – 1955 йили Сурхондарё вилоятига илмий-ижодий сафарга борган йирик мусиқашунос олим Ф.Кароматов Сина қишлоғида шифохона ҳамшираси У. Мавлоновадан ёзиб олган. Қўшиқни 30-йилларда Ўшор қишлоғида (тоғли Сина қишлоғининг юқорироғида) турли ижрочилардан ўрганган. |
| 3. Тўй муборак | – Эски халқ ашулаларидан, Бобораҳим Мирзаев шеъри билан айтилган. Ю.Ражабий тўплаб нотага олган «Ўзбек халқ мусиқаси» китобининг иккинчи жилдидан Р. Қосимов удга мослаштирган. |

Шу каби куйлардан қуйидаги намуналар «Ўзбек халқ мусиқаси» китобининг иккинчи жилдидан удга мослаштирилди.

| | |
|---|---|
| 4. Нигорим келур | –Халқ ашулаларидан, Ҳабибий шеъри билан айтилади. |
| 5. Ёр-ёр | –Хотин-қизлар томонидан никоҳ тўйларида айтиладиган ашулалар. |
| 6. Қилпиллама | – Эски халқ лапарларидан, чол ва кампир тилидан айтиладиган ҳажвий ашула. |
| 7. Рок қашқарчаси I,II<br>Рок уфориси | – «Бузрук» мақомидан (Шашмақом). |
| 8. Илғор | – Хоразм халқ куйларидан бўлиб, бунинг ашула йўли Н.Н.Миронов - нинг «Музыка узбеков» тўпламида (1929 й.) нашр қилинган. |
| 9. Қўшчинор<br>Курд | –Халқ куйлари. Машҳур созанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист А. Холтожиев ижросида Р. Қосимов нотага ёзиб олган ва удга мослаштирган (1987 й.). |
| 10. Норим-норим | – Хоразм халқ куйларидан бўлиб, дастлаб Н.Н.Мироновнинг «Музыка узбеков» тўпламида босилган. Н.Н.Мироновнинг «Песня Ферганы, Бухары и Хивы» тўпламида (1931 й.) унинг ашула йўли нашр қилинган. «Ўзбек халқ мусиқаси» китобининг иккинчи жилдидаги авж қисмини Ю.Ражабий қўшган. |
| 11. Қари Наво | – Халқ сўзи билан айтиладиган ялла. Мазкур куйни Ю.Ражабий тўплаб нотага олган, «Ўзбек халқ мусиқаси» китобининг IV жилдидан Р. Қосимов удга мослаштирган. |
| 12. Таснифи Бузрук<br>Гардуни Бузрук | – Ю.Ражабий нотага олган (Шашмақом, I жилд), Бузрук мақомининг мушкилот қисмидан Р. Қосимов удга мослаштирган. |
| 13. Гардуни Дугоҳ<br>Пешрави Дугоҳ<br>Самои Дугоҳ | – Ю.Ражабий нотага олган (Шашмақом, IV жилд), Дугоҳ мақомининг мушкилот қисмидан Р. Қосимов удга мослаштирган. |
| 14. Мухаммаси Ҳусайний | – Ю.Ражабий нотага олган (Шашмақом, III жилд), Наво мақомининг мушкилот қисмидан Р. Қосимов удга мослаштирган. |
| 15. Мухаммаси Мавлон | – Бухоро воҳасига мансуб машҳур куйлардан бири. С.Тахалов нотага олган ва удга мослаштирган. |
| 16. Мен ва оққуш | – Афғон халқ куйларидан бири. Р.Қосимов нотага олган ва удга мослаштирган. Иккинчи қисмини Р. Қосимов басталаган. |